

---

## ТАДБИРКОРГА КЎМАКДОШМИЗ!

Ўзбекистон тумани Шўрсув маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ таъминлаш мақсадида 35/6 кВли "Шорсу" подстанциясига мавжуд куч трансформаторига қўшимча қуввати 6300 кВА бўлган янги замонавий куч трансформатори олиб келинди.

Бу ҳақда “Фарғона ҲЭТК” АЖ матбуот хизмати [хабар бермоқда](#).

“Ушбу куч трансформатори ўрнатилиши билан ҳудуддаги 70 дан ортиқ йирик тадбиркорлик субъектларини электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ таъминлашга эришилади” дейилади хабарда.

2020-10-30 10:00:10